



NATIONAL PARALYMPIC COMMITTEE OF UZBEKISTAN

Баракалла, ИЗЗАТ!

Франциянинг Париж шаҳрида пара энгил атлетика бўйича жаҳон чемпионатининг навбатдаги кунидан ўрин олган баҳслар бўлиб ўтди.

Кувонарлиси, эркалар ўртасида Т36 классда узунликка сакраш баҳсларида иштирок этган Бука туманилик Иззат Турғунов 5 метру 75 сантиметр натижа қайд этиб, мусобақа рекордини янгиледи ва олтин медални қўлга киритди. Шунингдек, у келаси йили Парижда ўтадиган Паралимпия уйинлари йўлланмасини ҳам нақд қилди.

Турғунов, "Токио-2020" Паралимпиадасида ҳам иштирок этган эди. Шунингдек, у узунликка сакрашнинг Т-36 классда Осиё рекордчиси (5 метр 61 сантиметр) ҳам саналади.

Вилоят спорти

Тошкент денгизида ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиладиган пара академик эшак эшиш бўйича Ўзбекистон чемпионати якунланди. Турнирда 9 та жамоадан 40 дан зиёд спортчилар яккалик, жуфтлик ҳамда жамоавий баҳсларда 2 минг метр масофага ўзаро беллашишди.

ТОШКЕНТ ДЕНГИЗИДА қайиқлар "ракси"



дан сўнг жорий йилнинг сентябрь ойида бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида иштирок этадиган таркибни аниқлаб оламиз. Чемпионатда яхши натижа кўрсатганлар "Париж-2024" Паралимпия уйинларига йўлланма олишлари керак. Кутилганидек, мусобақа шиддатли ва муросасиз ўтди. Афсуски, вилоят

пара эшак эшувчилари шохсупага кўтарила олишмади. Фақатгина, Гулзода Ҳикматова PR3Mix4+ йўналишида 4-ўринни қўлга киритди. Яқунда ғолиб ва совриндорлар махсус диплом ва медаллар билан тақдирланишди.



Жалопиддин ЭСОНОВ олган суратлар

– Мусобақани ўтказишдан асосий мақсад – терма жамоага муносибларни саралаб олиш, – дейди терма жамоа мурабийи Бекзод Холмирозев. – Бу-

гун ғолиб ва совриндор бўлганлар терма жамоа таркибига киритилиб, халқаро майдонларда юртимиз шарафини ҳимоя қилишади. Турнир-

Сухробжон САДИРОВ "Тошкент ҳақиқати" муҳбири

Луқма "БАҒОЯТДА" УЯЛДИК

Кеча бехосдан телевизорга кўзим тушиб қолди, 1 дақиқа ичида чаласавод бошловчи икки марта "бағоятда" сўзини ишлатди.

Барак топгур, ўзбек тилида "ғоят", "ғоятда" ва "бағоят" сўзлари бор. Аммо буларни чақиштириб бўлмайди. Бу худди "бехурматсизлик", "иложиси" дегандек гап. Сўзларни тўғри қўллашни ва тўғри сўزلардан ўринли фойдаланишни ўрганишимиз керак.



– Қовунни ҳам тўпдай ўйнатасиз-а? – Ҳа, футболчиларимиз ҳам тўпни қовундай ўйнашади-ку...

Султонбой ДЕҲҚОНОВ олган сурат

Ошқовоқ

Ўғил кечки пайт маст келиб, уйга кирса, столи устида қовун турган экан. "Бир оз еб ётай, бўлмасам уйдагилар ичиб келганимни билиб қолишади", – деб қовунни еб ухлабди.

Эрталаб ойиси: – Эй, уяти йўқ, тур! Кеча яна ичиб келсан-а? – Йўғ-е, ойи... Ичганим йўқ, нималар деяпсан?

– Ичганим йўқ? Унда ошқовоқнинг ярмини ким еди?

Шанба сабоқлари

Сўнги иқроф

Қирқ ёшида ошқозон саратони билан касалланган халқаро миқёсда таниқли дизайнер ва ёзувчи, миллионер Кирайда Родригес вафотидан олдин ўз иқрономасида шуларни ёзиб қолдирган эди: "Гаражимда дунёдаги энг қиммат машина бор, лекин энди ногиронлар аравачасида ҳаракатланишимга тўғри келмоқда. Фабрикаларимда ҳар хил брендли пойабзал ва қимматбаҳо буюмлар сотилади, аммо ҳозир менинг танам касалхона томонидан тақдим этилган кичик матога ўралган. Банда сон-саноксиз пулим бор, лекин ҳозир бу маблағдан ҳеч қандай фойда йўқ.



Менинг уйим қасрга ўхшайди, ҳозир эса касалхонада оддийгина каравотда ётибман. Беш юлдузли меҳмонхонадан беш юлдузли меҳмонхонага ўтар эдим, аммо ҳозир касалхонадаги бир лабораториядан иккинчисига ўтмоқдаман. Мен юзлаб одамларга дастхат берар эдим, аммо бу сафар тиббий ҳужжатларга имзо чекмоқдаман. Сочларимни етти нафар сартарош тартибга келтирар эди, энди эса бошимда битта ҳам соч йўқ. Хусусий самолётимда исталган жойга уча олар эдим, аммо ҳозир касалхонанинг у бурчагидан бунисига бориш учун шифохона замбили кифоя. Гарчи озиқ-овқат жуда кўп бўлсада, лекин ҳозир менинг диетам кунига иккита таблетка ва кечкурун бир неча томчи шўр сувдир.

Бу уй, машина, самолёт, мебель, банк, жуда кўп обрў ва шон-шараф, уларнинг ҳеч бири менга ёрдам беролмайди. Буларнинг ҳеч бири мени тинчлантормайди..."

Кирайда РОДРИГЕС

Эгизак гаплар ёки шамол тегмаган ҲАНГОМА

Ит гап, бит гап, кит гап. Агар гап эшитган одамни "тишлаб" олса, билгинки, бу – ит гап. Агар эшитган одамнинг бир хил жойини гап "чақиб" олса, тамом бу – бит гап. Агар эшитган гапи қўлоғига сиғмай оғирлик қилса, танасига тошдай ботса, бу – кит гап...

Кўтир гап, чўтир гап, ўтир гап, битир гап, бидир гап, қитмир гап, охир-оқибат ё бўғоз ё қисир гап. Эшитганда эшак еми тошса бу кўтир гап бўлади. Юзига қараб айтганда, юзи кўриммаса – чўтир гап бўлади. Эшитганда жойида қотиб қолса – ўтир гап бўлади. Гапни битирмаса бидир-бидир қилиб қитмир гапга буриб юборади. Сўнгра питир-питир гап йўрғалаб қолади. Оқибат қидир-қидир гап билан тугайди.

Тез айтиш: Бош ва ёш гап билан ош гапга кетаётса, йўлда тош гап билан мош гапни учратибди. Бу ёқда тўш гап билан пўшт гап хуш гапни излаётган экан. Яна шўрлик бўш гап, шош гапдан узаман, деб гўшт гапга ем бўлди.

Ўра гаплар бор, фақат кўмиб қутуласан. Тўра гаплар бор, савлат тўкиб, гўдайиб юради. Қўра гаплар бор, фақат сихга тортиб газак қиласан. Жўра гаплар бор, улфатчиликка ярайди. Ўта гаплар бор, жониндан ўтказиб юборади.



Бута гаплар бор, қирққан сайин, шохлайверади. Сўта гаплар бор, фақат сўтақлар оғзидан чиқади.

"Тўғри гап туққанинга ёқмайди", деган машҳур ибора ҳаётимизга сингиб кетган. Аслида тўғри гапни айтиш шўнчалар осонми? Ёки тўғри гап атайлаб ном орттириш учун айтиладими? Ёки "қахрамон" бўлиш учунми?

Тўғри гапни айтиш асло қахрамонлик эмас. Тўғрилик йўли ҳар бир инсоннинг виждоний бурчи, қалбини поклаш, иймонни мустаҳкамлашдир. Норози ноталардан юракни тозалаш. Атрофимизда бўлаётган камчиликлардан қутулиш, мавжуд муаммоларни ҳал этишда тўғрилик-

нинг куч-қудратидан фойдаланиш ва уларни бартафат этишдан иборат. Лекин тўғри гапнинг ҳам ўрни, давраси ва меъёри борлигини асло-асло унутмаслик керак. Бизда тўғри гапларни айтувчилар сероб, қабул қилувчилар эса санокли. Қабул қилмаган тўғри гап бошинга шундай балолар тошини ёғдирадими, баъзан тилингни кесиб ташлагинг келади. Бунинг эса иложи йўқ, йўқ, йўқ... Чунки гап аллақачон айтиб бўлинган...

Тўғри гапни ёзиб, тўғри гапни гапириб мақтовдан кўра, танбех ва маломатларни эшитиб келаётган оддий ижодкор сифатида айтмоқчиманки, тўғри гапнинг вафосидан жафолари кўп экан. Қизиқ: тўғрилик, тўғри гап пастдагиларга, оддий одамларга жуда ёқади. Амалдорларнинг қовоғидан қор ёғади. Тўғри гапдан чўчийди. Азалдан тўғри ва ҳақ гапнинг қисмати шундай кўргуликлар ёзилган бўлса, гапда нима айб?..

Халқ мақолида айтилганидек: "Тўғри юрдим – етдим муродга, эгри юрдим – қолдим уятга".

Ашурали ЖўРАЕВ (Давоми бор)

TOSHKENT HAQIQATI
TASHKENTSKAYA PRAVDA

Muassis:
TOSHKENT VILOYATI HOKIMLIGI

"Toshkent haqiqati" va "Tashkentskaya pravda" gazetalarini tahrir hay'ati:

Zoyir MIRZAYEV (tahrir hay'ati raisi)
Ummat MIRZAQULOV
Hotamjon SAYDAQHMEDOV
G'afurjon MUHAMEDOV
Shavkatjon RAHIMOV
Tohir ARIPOV
Ravshan RAIMOV
Mahmud TOIR
Uskenboy ATEMOV
Abdulla XURSANOV
Mahmudjon BOLTABOYEV
Kumush EGAMBERDIYEVA
Olimjon BEGALIYEV
Zarifa ERALIYEVA
Sergey MUTIN

Bosh muharrir:
G'ayrat SHERALIYEV

Qabulxona:
(55) 520-64-95

Bosh muharrir o'rinbosari:
(55) 520-04-10

Mas'ul kotib:
(55) 520-05-10

Bo'lim muharrirlari:
(55) 520-06-20, (55) 520-04-20

E'lonlar va hisob-kitob bo'limi:
(55) 520-21-20

e-mail: toshkentaqiqati@umail.uz

Mas'ul kotib:
Alloma AZIZOVA
Navbatchi:
Nozima RASULOVA

Bosishga topshirish vaqti - 21:00.
Bosishga topshirildi - 20:00
Nashr ko'rsatkichi - 205.
Buyurtma G-731.
6 425 nusxada chop etildi.
Hajmi - 2 taboq. Ofset usulida bosildi. Qog'oz bichimi A-2.
Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida
2011-yil 12-yanvarda
03-001 raqami bilan ro'yxatga olingan.

Manzilimiz:
111500, Nurafshon shahri, Toshkent yo'li ko'chasi, 90.
Toshkent shahridagi ofisimiz: Bektemir tumani, Ittifoq ko'chasi, 2.
ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati» tahririyati kompyuter markazida terildi va Tohir Mahmudxo'jayev tomonidan sahifalandi.

Haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi.
Korxonasi manzili:
Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
1 2 3 4 5 6